

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.YU.74.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

**ФАЙЗИЕВ ШОХРУД ФАРМОНОВИЧ**

**СУРИШТИРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ  
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

УДК 343.13 (575.1)

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation**

**Файзиев Шохруд Фармонович**

Суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш.....3

**Файзиев Шохруд Фармонович**

Модернизация деятельности органов дознания.....29

**Fayziev Shokhrud Farmonovich**

Modernization activity of inquiry bodies.....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.YU.74.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

**ФАЙЗИЕВ ШОХРУД ФАРМОНОВИЧ**

**СУРИШТИРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ  
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/Yu97. рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сайтида ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Пулатов Юрий Сайфиевич**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Раҳмонова Сурайё Махмудовна**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Рахимов Йўлдош**  
юридик фанлар доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат  
Университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Yu.74.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+998971) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Х.Рустамбаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**М.М.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

**М.Б.Усмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда одил судловга эришиш даражасини ошириш ва суд томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида ҳуқуқ соҳасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида «Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаш учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга»<sup>1</sup>лиги қафолатланган. Жиноят ишлари юритуви дастлабки босқичининг сифатли ва тезкор амалга оширилиши юқорида қайд этилган қафолатнинг тўла таъминланишига хизмат қилади. «Жаҳоннинг ривожланган давлатларида жиноят ишларининг 90%и тезлаштирилган, соддалаштирилган шаклларда кўрилиши ушбу тартибга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигидан далолат беради»<sup>2</sup>.

Жаҳонда жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати, хусусан, судга қадар иш юритиш босқичида тезлаштирилган (*Juicio rapido*), қисқартирилган (*Juicio abreviado*) тартибдаги иш юритувида жиноят-процессуал жараёнга жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, суриштирув органларининг ваколатларини тартибга солувчи процессуал-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш муаммосининг мавжудлиги бу борада илмий-тадқиқот қилиниши лозимлигини кўрсатади. Айти вақтда, жиноят-процессуал қонунчиликда суриштирув органлари фаолиятининг таркибий-функционал ва ташкилий-структуравий асослари етарли ва мантиқий тизимга солинмаганлиги жиноят ишлари юритувига жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини поймол қилмаслик, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиш борасида суриштирув органлари фаолиятида қонундан четга чиқиш каби ноқонуний айрим ҳолатларни бартараф этишнинг процессуал-ҳуқуқий ва ижтимоий-маънавий механизмларини уйғунлаштириш каби масалаларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, бу борадаги ислоҳотларни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви амалга оширилди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар тузилди, улар фаолиятининг мустаҳкам қонуний асослари шакллантирилди. Ишни судга қадар юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Миллий қонунчилигимизга «хабеас корпус» институти жорий этилди - қамоққа олишга санкция бериш, шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштиришдек процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи прокурорлардан судларга ўтказилди. Ҳозирги кунга

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси <http://parliament.gov.uz> (мурожаат санаси: 18-04-2017).

<sup>2</sup> Fields G., Emswiller J.P. Federal guilty pleas soar as bargains trump trials // the world street Journal. 2012. September 23.

қадар Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигининг 68%га ўзгартириш киритилди. Хусусан, Жиноят-процессуал кодекси 38-моддасига ўн маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, 90%га ислоҳ этилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Жиноят кодекси (1994), Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги № ЎРҚ-344-сонли Қонуни, 2017 йил 6 сентябрдаги № ЎРҚ-442 «Суриштирув фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Р№3559-сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ№4570-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ№4850-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли, «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли фармонларида белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувига оид илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасаларида, жумладан, National Institute of Justice, Southwest University (АҚШ), Institute Zurich (Швейцария), Heidelberg (Германия), University of Sannio (Италия), Waseda University, Okinawa International University (Япония), Paris Lodron Universität Salzburg (Австрия) ва National University Australia, Griffith University (Австралия) ва ИИВ Академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

<sup>1</sup> <http://lex.uz> (мурожаат санаси: 18-04-2019)

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.ufl.edu](http://www.ufl.edu), [www.nij.gov](http://www.nij.gov), [www.southwest.edu](http://www.southwest.edu), [illinois.edu](http://illinois.edu), [www.ethz.ch](http://www.ethz.ch), [www.heidelberg.com](http://www.heidelberg.com), [www.unisannio.it](http://www.unisannio.it), [www.waseda.jp](http://www.waseda.jp), [okiu.ac.jp](http://okiu.ac.jp), [www.griffith.edu.au](http://www.griffith.edu.au), [www.tsul.uz](http://www.tsul.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Жаҳонда жиноят ишларини юритишда судга қадар иш юритувини, яъни, суриштирув фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: анъанавий полиция функциялари юклатилган марказий идора ташкил қилиш лозимлиги асосланган (Southwest University, University of Illinois, Institute Zurich), суд ижрочиларининг тезкор ва суриштирув ишларини юритиш ваколатини бериш лозимлигини тақлиф этилган (National University, Australia), тергов институтидан воз кечиб тўлиқ полиция суриштирув институтига ўтказиш лозимлиги асосланган (Paris Lodron Universität Salzburg), суриштирувчи-терговчилар фаолиятини дифференциация қилиш орқали жиноят ишларини юритиш самарадорлигини ошириш лозимлиги исботланган (National Institute of Justice), суриштирув органининг айблов далолатномаси каби ҳужжати қонунийлиги устидан прокурор назоратини ўрнатиш ва ушбу тартибни такомиллаштириш (University of Sannio, Waseda University, Griffith University), ИИБ тизимида суриштирув хизматини ривожлантириш мақсадида ИИБ ҳузурида Тергов Қўмитасининг ташкил этилиши лозимлиги тақлиф қилинган (Всероссийский научно-исследовательский институт МВД России), Ўзбекистон Республикасининг хорижда жойлашган дипломатик ваколатлари раҳбарларига суриштирув ваколатини бериш лозимлиги исботланган (ИИБ Академияси, Ўзбекистон Республикаси) зарурлиги асосланган ва исботланган.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида жиноят ишлари бўйича иш юритувини ҳуқуқий тартибга солиш ва ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги устувор: жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувини соддалаштириш; иш юритишни жадаллаштириш; суриштирувни инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва таъминлашдаги ролини ошириш ҳамда амалга ошириш механизминини такомиллаштириш; одил судловни амалга оширишга сарфланадиган харажатни камайтириш; жиноят судлов иш юритуви муддатларини қисқартириш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кафолатлаш ва самарадорлигини таъминлаш йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суриштирув органлари фаолиятининг у ёки бу жиҳатлари мамлакатимиз олимлари – Ғ.А.Абдумажидов, М.Т.Хусанов, З.Ф.Иноғомжонова, Ф.М.Мухитдинов, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тухташева, Д.М.Миразов, Б.Х.Пулатов, Ю.С.Пулатов, Й.Рахимов, С.М.Раҳмонова, Д.Б. Базарова, И.Р.Астанов, Д.Ш.Умарханова, Д.Каримова, Б.Б.Хидоятлов ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган.

МДХ давлатларида суриштирув органлари фаолиятининг айрим жиҳатларига оид тадқиқотлар А.С.Анненкова, И.И.Федулова, М.А.Бородкин, С.И.Гирько, Т.К.Рябинина, Ю.П.Якубина, В.В.Вандышев, В.А.Лиманский, Д.А.Ястребов, С.В.Григоренко, Т.А.Левина, А.А.Дядченко, О.Г.Бегунц, У.А.Мусеилов, М.А.Митюкова, Т.В.Валькова, К.Н.Емельяновлар томонидан олиб борилган.

Хорижий мамлакатларда жиноят ишлари бўйича суриштирув ўтказишга оид масалаларга К.Shmoller (Австрия), А.Гамбарян (Армения), N.G.Stoyko, A.S.Shaginian (Англия), Э.Бэст, Л.В.Морозова, И.Б.Гришай, Б.А.Филимонов (Германия), Ф.Р.Ромеу (Испания), Дж.Иллюминати (Италия), А.А.Трефилов (Швейцария), В.В.Ларичев, В.Л.Бахмайер, П.С.Пастухов (АҚШ), К.N.Chandrasekharan Pillai (Ҳиндистон), Кук Чо (Япония), А.Р.Белкин (Россия), Х.Д.Хошимов (Тожикистон)ларнинг илмий ишларида эътибор берилган.<sup>1</sup>

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари хорижий давлатлар қонунчилиги нуқтаи назаридан ўрганилганлиги боис, республикамиз суд-ҳуқуқ тизимида суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш, суриштирувчининг процессуал мақомини такомиллаштирилганлиги муносабати билан муаммонинг долзарблиги янада ортади ва у жиноят ишлари юритувида жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига бевосита дахлдор бўлганлиги боис чуқур ва мустақил тадқиқот ўтказилишини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий техника институтининг «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишларининг таркибий қисми ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади** суриштирув органлари фаолиятини модернизациялашнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

миллий ҳуқуқ тизимида суриштирув органлари фаолиятидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги мавжуд муаммоларни таҳлил этиш, коллизион нормаларни бартараф этиш юзасидан тизимли таҳлил ўтказиш;

суриштирув органлари ва улар фаолиятига оид қонунлар ривожланишини ретроспектив таҳлил қилиш;

суриштирув органлари процессуал фаолиятини кенгайтириш имкониятини берадиган қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш;

суриштирув фаолиятини тубдан ислоҳ этиш ва модернизациялаш бўйича амалдаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

суриштирув юретишининг институционал асос ва шартларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.



суриштирув органлари фаолиятига оид халқаро ҳуқуқ нормалари ва айрим ривожланган давлатлар тажрибасини таҳлил қилиб, уларни республикамиз ЖПКга имплементация қилишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг объекти** суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш билан боғлиқ жиноят-процессуал муносабатлар тизими ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** суриштирув органлари фаолияти ҳамда уни ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ миллий қонунчилик, хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва суриштирув органлари амалиёти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг умумий ва махсус усуллари – тизимли тузилмавий, формал-мантиқий, статистик, аниқ-социологик, илмий манбаларни комплекс ўрганиш, идоравий-норматив ҳужжатлар, статистик ҳисоботларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

суриштирувни амалга оширишда жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари нормаларининг қўлланилиши; суриштирувчининг топшириқларини бажариш; суриштирувнинг бошланиши ва суриштирув юритиш муддати; суриштирувнинг суриштирувчилар гуруҳи томонидан амалга оширилиши ҳамда тергов ҳаракатларининг бир неча суриштирувчилар томонидан бажарилиши; суриштирувни тўхтатиш ва суриштирувни тамомлаш турлари; айблов далолатномаси ҳамда суриштирувчининг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят бериш каби масалаларни белгилаш асослаб берилган;

суриштирувчининг, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғининг ва унинг мансабдор шахсининг ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига киритиш ҳамда жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ваколатларини мустаҳкамлаш асослантилган;

суриштирув, суриштирув бўлинмаси бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг ва терговчининг суриштирув юритиш билан боғлиқ ваколатларини такомиллаштириш орқали жиноят процессининг ушбу иштирокчилари фаолиятини соддалаштиришга хизмат қилиши асослантилган;

далилларни экспертлар томонидан қабул қилиб олиш, сақлаш ва расмийлаштириш тартибининг жорий қилиниши экспертиза тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилиши таклиф этилган;

суриштирувчи ва терговчи ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда соддалаштирилган иш юритиш тартибини жорий қилиш суриштирувни ўз вақтида ўтказишга хизмат қилиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

суриштирувчининг эҳтиёт чораларини қўллаши билан боғлиқ ваколатига оид ЖПКдаги нормалар коллизисининг бартараф этилиши юзасидан ишлаб чиқилган таклиф, ЖПК нормаларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг номини ўзгартириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф қонуни қўллашда бир хилликни таъминлашга хизмат қилади;

жиноят ишлари бўйича суриштирувчи, суриштирув органи бошлиғи, терговчи ваколатларини кенгайтириш бўйича ЖПКга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклиф ва тавсиялар жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказилишини тартибга солувчи қонун нормаларининг ЖПК нормалари мазмунига киритилиши терговчи, суриштирув органи бошлиғи, суриштирувчининг қонуний ваколатларидан тўла фойдаланишга хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига 13 та моддани камраб олган «Суриштирувнинг умумий шартлари» деб номланган янги бобнинг киритилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрь, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида» ПФ-4850-сон Фармонда қўйилган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади;

жиноят-процессуал кодексининг 39-моддаси «Суриштирув органи бошлиғи ваколатлари», 39<sup>1</sup>-моддаси «Суриштирувчи ваколатлари» янги таҳрирда берилиши уларнинг ўз функционал вазифаларини янада сифатли бажаришга ҳамда соддалаштирилган суриштирувни амалиётга жорий қилиш имконини беради;

жиноят-процессуал кодексининг 341-модданинг «Суриштирув юритиш муддати» янги таҳрирда берилиши судга қадар босқичлардаги бошқа муддатларнинг оқилона қисқаришига хизмат қилади;

докторлик тадқиқотида замонавий ахборот технологияларини самарали қўллаш мақсадида «Алгоритм Е-алоқа» дастурининг ишлаб чиқилиши терговчилар иш юритувида бўлган жиноят иши ҳажмининг камайиши ҳисобига жиноят ишларининг янада сифатли ва синчковлик билан тергов қилинишига, муддатларнинг қисқаришига хизмат қилади;

жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясидаги тушунчаларни тартибга солиниши борасида 2015-2017 йилларда А-2-102 рақамли «Суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтиришнинг концептуал масалалари» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида айрим жиноят-процессуал тушунчаларнинг моҳиятини тушинтириш мақсадида тадқиқот иши натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, суриштирув органи, суриштирув органи бошлиғи, суриштирувчи, суриштирув, терговга қадар текширув, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув

тадбирлари, қидирув ҳаракатлари, тезкор-ходим, дастлабки терговга оид ҳуқуқий тушунчаларининг мазмунини аниқлашга ва уларни бир-биридан фарқлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг қиёсий таҳлил қилингани, муаллиф томонидан суриштирувчи, суриштирув органи бошлиғи, терговчи, тергов бўлинма раҳбари, прокурор ва судьялар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асослангани, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференцияларда муҳокама этилгани, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК томонидан рўйхатга олинган илмий нашрларда чоп этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлигида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий-тадқиқот фаолиятида, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда жиноят-процессуал ҳуқуқи, прокурор назорати, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитиш, мутахассислар тайёрлаш жараёнида дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув-услугий мажмуалар, қонунларга шарҳлар тайёрлашда, шунингдек юриспруденция йўналишидаги таълим жараёнида ҳамда суриштирув органлари фаолиятини модернизациялашнинг илмий-назарий таҳлили асосида олинган натижалар ушбу йўналишдаги методологик ёндашувларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суриштирув органлари фаолиятини тартибга солувчи миллий қонун нормаларини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни, Олий суд Пленумининг тегишли қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаменти, ИИВнинг суриштирув органлари фаолиятини тартибга солувчи буйруқ ва йўриқномаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга, суриштирув органлари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган мақсадли давлат дастурларининг ишлаб чиқишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиноят-процессуал суриштирув органлари фаолиятининг модернизациялаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

суриштирувчининг, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғининг ва унинг мансабдор шахсининг ваколатларига оид таклифлардан Ўзбекистон

Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 381<sup>1</sup>-381<sup>17</sup>-моддаларини камраб олган “Суриштирувнинг умумий шартлари” номли 46<sup>1</sup>-боб киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, 2017 йил 18 апрелдаги № 06-18/375-сонли хат). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши судга қадар иш юритиш босқичида давлат бюджетининг иқтисод қилишга, жиноятларни тез ва тўла очишга, жиноят-процессуал муддатларнинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашга хизмат қилган;

суриштирувчининг, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғининг ва унинг мансабдор шахсининг ваколатларига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38<sup>1</sup>, 39<sup>1</sup>, 39<sup>2</sup>-моддалар ва 46<sup>1</sup>-бобга ўзгартиш ва қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, 2017 йил 18 апрелдаги № 06-18/375-сонли хат). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида суриштирув ва терговга қадар текширув органларини фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

суриштирув, суриштирув бўлинмаси бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг ва терговчининг ваколатларига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36, 38, 39-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, 2016 йил 02 майдаги № 06/1-05/624 вх маълумотнома, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси, 2017 йил 24 февралдаги 06-18/183-сонли маълумотнома). Ушбу таклифлар суриштирув, суриштирув бўлинмаси бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг ва терговчининг ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилган;

далилларни экспертлар томонидан қабул қилиб олиш, сақлаш ва расмийлаштиришга доир таклифлар 2015 йил 3 августда тасдиқланган «Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида ашёвий далиллардан экспертлик фаолиятида фойдаланиш ва сақлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 3, 26, 27-бандларини такомиллаштиришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Х.Сулаймонова экспертиза маркази, 2015 йил 25 ноябрдаги № 29-1296-сонли маълумотнома). Мазкур таклифлардан фойдаланилиши суриштирув босқичида экспертиза тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган;

суриштирувчи ва терговчи ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган таклифлар Ички ишлар Вазирлиги Тергов Бош бошқармаси томонидан идоравий-норматив ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармаси, 2016 йил 07 январдаги № 18/72-сонли маълумотнома). Бу суриштирув вақтида тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 20 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 64 та, жумладан, 1 та монография, 20 та илмий мақоладан 10 таси хорижий журналларда илмий мақола, 16 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Суриштирув органлари фаолиятининг умумий тавсифи”** деб номланган бўлиб, унда суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш, суриштирув органлари ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари, судга қадар иш юритиш шакллари таҳлили баён қилинган.

Муаллиф суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш тушунчасига тўхталиб, модернизация суриштирув фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг амалга ошириладиган ҳаракатлар тизимини замонавий талабларга мувофиқ янгиланиши ва суриштирув органларининг тузилмавий тизимини процессуал-ташқилий жиҳатдан ислоҳ этилиши тушунилиши керак деган муаллифлик таърифини берган.

Суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш йўналишлари сифатида суриштирув органининг процессуал мақомини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларнинг юритувига тегишли ишларни дифференциал равишда аниқ белгилаш ҳамда суриштирув процедурасини тубдан янгилаш, унинг янги содалаштирилган тартибда иш юритиш шаклини жорий қилиш лозимлиги баён қилинган.

Муаллиф ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда суриштирувчиларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш курслари ҳамда махсус билим юртлари мавжуд эмаслиги, махсус “Суриштирув фаолияти” номли фан мавжуд эмаслигига эътиборни қаратиб, ушбу муаммоларни бартараф этиш кераклигини асослаган.

Тадқиқот ишидаги муҳим жиҳатларидан бири сифатида Франция, Германия давлатларида дастлабки тергов босқичидан воз кечилиб, суриштирув институтидан тўлиқ фойдаланиш масалаларининг интеграциялашуви амалиётда ижобий натижалар бераётганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари суриштирув органларининг фаолияти бўйича алоҳида статистика юритилиши ҳамда [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайтига жойлаштириш лозимлиги, фуқароларнинг [www.gov.uz](http://www.gov.uz) портали орқали суриштирув органларига тўғридан тўғри мурожаатини назарда тутувчи янги лойиҳа ишлаб чиқилиши зарурлиги изоҳланган.

Тақиқотнинг суриштирув институтининг пайдо бўлишига оид параграфида дастлабки суриштирув органлари Туркистонда 1864 йилдан кейин пайдо бўлганлиги, 1926 йилги ЖПКда 9 та, 1929 йилги ЖПКда 12 та, 1959 йилги ЖПКда 6 та суриштирув орган бўлганлиги, 1994 йилги ЖПКда эса дастлаб 9 та орган бўлганлиги, бугунги кунда келиб эса 4 та орган фаолият юритаётганлиги баён қилинган.

Мазкур органларнинг фаолияти ўрганилиб суриштирув органи, терговга қадар текширув, қидирув ҳаракатлари, тезкор қидирув фаолияти, тезкор - қидирув тадбирлари, суриштирув, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари, дастлабки тергов каби тушунчаларга муаллифлик таърифи берилган.

Суриштирув ва дастлабки тергов шакллари ўртасида фарқ ва ўхшашликлар мавжудлигидан келиб чиқиб ушбу ҳолатлар субъектига кўра, органига кўра, иш юритиш методига кўра, ишларнинг тегишлилигига кўра, муддатларидаги фарқларига кўра, ишларни тамомлашга кўра ўхшаши ҳамда муддатига, ишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, якуний ҳужжатига кўра фарқлари очиб берилган.

Диссертациянинг **“Суриштирув органларининг процессуал фаолиятини кенгайтириш”**га бағишланган номланувчи иккинчи бобида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар фаолиятини ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви, ички ишлар вазирлиги тизимидаги суриштирув органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари суриштирув фаолияти ўрганилиб, уларни янада такомиллаштириш масалалари ёритилган ва бу борада таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда терговга қадар текширув органи, уларнинг фаолият йўналишлари, суриштирув органлари фаолиятдан фарқлари қиёсий таҳлил қилинган. Терговга қадар текширув органлари фаолияти алоҳида-алоҳида таҳлил қилинган, уларнинг айримларини бир тизимга тааллуқли бўлганлиги учун ЖПКдан олиб чиқарилиши (масалан, чегарани кўриқлаш органлари - давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича) кераклиги изоҳланган.

Жиноят процессида янги субъект “тезкор ходим” атамасини қўшиш ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни баён қилиш муҳим эканлиги таҳлил қилинган.

Тадқиқотда ҳар бир терговга қадар текшириш органида “тезкор ходим” бўлиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф берилган. Ушбу тушунчанинг ЖПКда назарда тутилмаганлиги айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлаётганлигининг, ушбу ҳолатни олдини олиш мақсадида, жиноят аломатлари аниқланган ҳар бир ҳолда дастлабки текширув ишларини олиб боришга, зарур бўлганда тезкор қидирув тадбирларини кўришга ҳақли шахс тезкор ходим эканлигига оид нормани ЖПКга киритиш лозимлиги исботланган.

Судга қадар иш юритишнинг тарихий шаклини қайта тиклаб, уни амалдаги ЖПКга киритиш ва унинг процессуал тартибини белгилаш лозимлиги асослантирилган, яъни амалда жиноий қилмиш бўйича терговга қадар текширув органлари томонидан баённома шаклида иш юритиш юзасидан қонун лойиҳаси (5 та моддани қамраб олган янги боб шаклида) ишлаб чиқилган ва унинг қонунга киритиш зарурати асосланган.

Муаллиф қўшимча суриштирув ўтказиш учун жиноят ишлари қайтариб юборилганида, тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганида ўн кунлик қўшимча суриштирув муддати аксарият ҳолларда иш бўйича қонуний қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаганлиги сабабли, мазкур муддат бузилишига олиб келаётганлигини асослаган.

Тадқиқотда ЖК 177-моддаси 4-қисми санкциясида етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиб, ушбу жиноят оғир турдаги жиноятлар тоифасига киритилганлиги, бироқ, ЖПКнинг 381<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ суриштирув ҳаракатлари Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан олиб борилиши суриштирув мақсадига зид эканлиги ва ушбу жиноятни 1 ойлик муддатда кўриш имконияти йўқлиги амалиётда кўплаб муаммоларни келтириб чиқараётганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, амалиётда аксарият ҳолларда экспертиза хулосалари айнан бир ойлик муддат ичида тақдим этилиши суриштирув муддатининг ҳам бир ойлиги сабабли, муддатларни ўтказиб юборилишига ёки жиноят ишлари бўйича якуний қарор қабул қилинишининг кечиктирилишига сабаб бўлаётганлиги изоҳланган.

Жиноят иши янги жиноят бўйича ёки янги шахсга нисбатан алоҳида иш юритувига ажратилаётганда бундай жиноят ишлари бўйича суриштирув муддатининг қайси пайтдан бошланиши турлича талқин этилишининг олдини олиш мақсадида ЖПК 381<sup>7</sup>-моддаси 3-қисмидаги “тегишли қарор” сўзларини “янги жиноят бўйича ёки янги шахсга нисбатан жиноят ишини кўзғатиш ҳақидаги қарор” сўзлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган.

ИИВ тизимида статистик маълумотлар билан ишлаш бўлимларини жорий қилиш ва уларда муҳим масалаларни илмий ёндашув, илмий таҳлил, тадқиқотлар орқали ҳал қилиш тизимини жорий қилиш керак.

Тадқиқотда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ташкил қилинишининг тарихий босқичлари, бугунги кундаги фаолияти изоҳланган. Департамент фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ва улардаги қоидалар таҳлил қилинган.

Тадқиқотда ишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро Бюросининг тарихий ривожланиши, бугунги кунда ушбу соҳада мавжуд муаммолар баён қилинган.

Айрим хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, Ўзбекистон Республикасида Бюронинг суриштирув фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун Россия, АҚШ, Англия, Германия, Франция ва бошқа хорижий давлатларнинг ижро ишини юритувчи органлари суриштирув фаолиятини қиёсий таҳлил қилиш кераклиги изоҳланган.

Тадқиқотчи томонидан “Давлат божхона органлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасининг 1-қисми (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш)да назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича суриштирувни юритади” деган таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқлиги, ЎЗР ЖК 246 (Контрабанда) - моддаси 1-қисми оғир ва 2-қисми ўта оғир жиноятлар туркумига киритилганлигига қарамай, уларни суриштирув органлари юритувига тегишлилиги амалиётда муаммоли ҳолатларни юзага келтираётганлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Суриштирув юритишнинг институциявий асос ва шартлари”** деб номланиб, унда суриштирув органи бошлиғининг процессуал мақомини такомиллаштириш, суриштирувчининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш йўллари, суриштирув ишларини юритишнинг умумий шартларини жорий қилиш зарурати, суриштирувнинг айблов далолатномаси тузиш билан тамомлашнинг асос ва шартлари, терговчининг суриштирув органи билан ўзаро муносабати принциплари ва шакллари баён қилинган.

Тадқиқотда суриштирув органи бошлиғи тушунчаси, суриштирув органи бошлиғи мақомининг вужудга келиши ва тадрижий ривож, суриштирув органи бошлиғи ваколатлари гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинган.

Тадқиқотда суриштирув органи бошлиғи ҳамда суриштирувчининг ҳуқуқий мақомини, уларнинг муҳофазасини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор тавсия ва таклиф ишлаб чиқилган. Жумладан, суриштирув органи бошлиғи ва суриштирувчига нисбатан жиноят ишини қўзғатиш Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори розилиги билан қўлланилиши, суриштирув органи бошлиғининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят ишни тергов қилишда қонунларга риоя этилиши устидан тушган назоратни олиб бораётган прокурорга берилиши лозимлиги асослантирилган.

Суриштирув органларида суриштирувчи ҳамда суриштирув органи бошлиғи вазифасида олий юридик маълумотга эга бўлмаган фуқаролар фаолият юритаётганлиги алоҳида камчилик сифатида кўрсатилган.



Жиноят ишини тергов қилиш, очишда синтез қилиш ўта муҳимлиги, тажриба ва билим синтез қилишда катта аҳамиятга эгаллиги боис, жиноят, маъмурий ишлар бўйича йўл қўйилган хатоларни акс эттирган тизимли “тахлилий ойна” юритиш, суриштирувчилар рейтингини жорий қилиш лозимлиги асосланган.

Тадқиқотда суриштирувнинг янги модели ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра ўзида тергов аппарати ходимларининг иш ҳажмини камайтириш ва уларни ЖКнинг 15-моддаси 2-3-бандларида назарда тутилган жиноятларни тергов қилиш каби катта иш ҳажмидан озод қилишни, шунингдек, суриштирув олиб бориш мураккаб бўлган жиноятлар тоифаси бўйича дифференциал фаолият юритилишини назарда тутувчи концепция ишлаб чиқилган.

Муаллиф суриштирувчилар фаолиятини енгиллаштириш мақсадида уларга муайян жиноят иши бўйича компьютер орқали ишлаши учун ёрдамчи дастур - Алгоритм-дастури яратилиши зарурлигини асослаган.

Тадқиқотда ҳудудий жиҳатдан суриштирувга тегишлилик тартибининг жорий қилиниши, йўқолган жиноят ишини ёки унинг материалларини тиклаш, дастлабки тергов ва суриштирувда жамоатчиликнинг иштироки бўйича тартиб жорий қилиш лозимлиги изоҳланган.

Суриштирувни тамомлаш бўйича процессуал фаолиятни жиноят иши юритувининг мустақил босқичи деб ажратилишига имкон берувчи белгилар сифатида: 1) суриштирувнинг якуний қисмида алоҳида масалаларнинг мавжудлиги; 2) суриштирувни тамомлашнинг айблов далолатномаси билан вақт бўйича давомийлиги; 3) иштирокчиларнинг ўзига хос доираси мавжудлиги; 4) кўрилаётган босқич олдида турган вазифалар ўзига хос усуллар билан ҳал қилиниши изоҳланган.

Тадқиқотда жиноятларни тергов қилиш жараёнида суриштирув органлари ва терговчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қонунийлик, ташаббускорлик, ҳамкорликнинг давомийлиги, муайян режага асосланганлик, ўзаро ҳамкорлик жараёнида иштирокчи томонлар имкониятларини билиш принципларга асосланиши лозимлиги асосланганлиги берилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Суриштирув органлари фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда хорижий тажриба»** деб номланиб, унда халқаро ҳуқуқ нормаларининг суриштирув органлари фаолиятида қўлланилиши, Европа давлатлари ва АҚШ, МДХ, Осиё давлатларида суриштирув органлари фаолияти таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Молдова Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, Минск конвенцияси, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси Ҳукумати ўртасида “Гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига, уларни истеъмол қилишга ва прекурсорларнинг

гайриноқонуний муомаласига қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида”ги (София шаҳри, 2003 йил 24 ноябрь) битимнинг 4-моддаси 2-бандида назарда тутилган “тезкор-қидирув тадбирларни амалга ошириш йўли билан гиёҳвандлик воситаларининг гайриноқонуний муомаласи ва ушбу жиноий фаолиятдан келиб тушган маблағларни қонунийлаштириш фактларини аниқлаш бўйича ўзаро ёрдам бериш тўғрисида”ги келишувни амалда қўллаш механизмини жорий этиш ҳамда мазкур ўзаро ёрдамнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув тўғрисида»ги қонунини янада такомиллаштириш лозимлиги асослантирилган.

